

# Ўзбекистон iqtisodiy axborotnomasi

3/2018

TAHLILIY JURNAL

ISSN 2010-8475

АНАЛИТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

№629

# Экономический вестник Узбекистана

Ўзбекистон–Қозоғистон:  
ҳамкорликнинг янги босқичи

Узбекистан–Казахстан:  
новый этап сотрудничества



**27** Мустақилликнинг  
йиллиги  
лет  
независимости



Read in English

**EVO**  
DESIGN



# Mundarija

## № 3/2018

## 00629

TOTAL NUMBER

Tahrir kengashi:

Abduhakimov A.A.  
Abdurahmonov Q.X.  
Aslanov Sh.Ch.  
Begalov B.A.  
Jasimov I.K.  
Pardayev M.Q.  
Po'latov D.H.  
Umarov B.N.  
Umurzakov O'P.  
Xodiyev B.Yu.  
Gulomov S.S.

Bosh muharrir  
Azamov Sh.B.

Bosh muharrir o'rinbosari  
Gaspova S.A.

Badiy muharrir  
Belyatskaya Ye.V.

Reklama bo'yicha menejer  
Ryabov Ye.A.



**OBUNA INDEKSI: 834**

**Manzili:**

100000, Toshkent sh.,  
Istiqom Karamov ko'chasi, 55

**Tel/fonlar:**

239-11-25 (qabulxonalar)  
239-22-26 (reklama bo'limi);  
239-11-25 (jurnal tarqatish bo'limi)

**e-mail:** info@evu.uz

<http://www.evu.uz>

O'zbekiston Respublikasi Mahalliy va xorijiy agentlik  
to'rtinchi o'rinli xizmat ko'rsatuvchi tashkiloti  
2018 yil 12-yan.

Boshlang'ich nashri: 30.08.2019-y. Shartli to'lama  
sanoat 11, Tiraaj 1980 nusxa. Buzgartma №P 1360.  
Jurnal «RUSST» 22-32. Internet-saytida taqdim.  
Tashkent sh., Mirobod ko'chasi, 41/2-uy  
Bahozi kelishilgan narxda. Davriylik — har ikki oyda bir  
marta.

Jurnal «O'zbekiston haqi» yo'nalishi MAMning  
atqarishi yo'nalishlarida taqdim etiladi.

Tahririyatga yuborilgan materiallar o'z navbatida  
qilmish va muhripa qaytarilmaydi.

«O'yin-18h» jurnalida chop etilgan materiallardan  
nuzxa ko'chirish, tarqatish va boshqa shakllarda  
fuzdalanish fagat tahririyat yozma ixtiyoriga  
bilan amalga oshirilishi mumkin.

Jurnal 1979 yildan nashr etiladi.

**Muassis:**

«O'zbekiston iqtisodiy axborotnomasi» —  
Ekonomicheskij vestnik Uzbekistana» MCHJ

**EVU**

8 **NUQTAI NAZAR**

8 Adolat va oshkorlik ko'zgusi

10 **XALQARO HAMKORLIK**

12 O'zbekiston va Qozog'istonning o'zaro hamkorligi — mintaqaning yangi istiqboli

18 Do'stlik chegarasi bilmas

22 **TARMOQLARDAGI ISLOHOTLAR**

22 Qurilish materiallari sanoatining zabardast tayanchi

27 Charpoyabzal sohasi yanada rivojlanadi

32 **IJTIMOVIY HIMOYA**

32 Mehnatkashlar manfaatli — kasaba uyushmalari faoliyatining bosh mezonlari

36 **ISLOHOTLAR SAMARASI**

36 Hududlarning iqtisodiy rivojlanish omillari

40 Kelajakka ishonib yashash — oliy baxt.

44 Serquyosh vohaning beqiyos imkoniyatlari

49 **BOZOR MEKANIZMLARI**

49 Erkin iqtisodiy zonalar va kichik sanoat zonalarini faoliyatini samaradorligini oshirish

52 **INNOVATSION LOYIHALAR AMALIYOTIDA**

52 PROMEAT M-CHK: muvaffaqiyatni maqsad qilib



## ERKIN IQTISODIY ZONALAR VA KICHIK SANOAT ZONALARI FAOLIYATI SAMARADORLIGINI OSHIRISH

**Деврон РАҲИМОВ,**  
мустақил тадқиқотчи

**Б**угунги кунда мамлакатимиз иқтисодий таркибий ўзгартириш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгиллашга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестицияларни жалб қилиш муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодийни эркинлаштириш ва модернизациялаш, шу орқали жаҳон стандартларига жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиш хорижий инвестицияларни, биринчи гада, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратилиши талаб этади. Бундай долзарб вазифаларни амалга оширишда эркин иқтисодий

зоналар муҳим аҳамиятга эга. Эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил қилишдан кўзланган мақсад ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни дунё стандартларига жавоб берадиган бўлишини таъқиқлаш ва жаҳон бозорлари талабларига мос даражага олиб чиқиш, ишлаб чиқариш корхоналарида замонавий технологияга асосланган ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарини ўрнатish, транспорт ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, шунингдек, мамлакатда жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлаш учун чет эл капиталини, истиқболли технология ва бошқарув тажрибасини жалб этишдир.

Ҳозирда республикаимизда эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил қилиш ва улар фаолиятини тартибга солиш, ҳар томонлама ривожлантириш бўйича қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Жумладан, мамлакатимизда юқори технологияли янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, ҳудудларни рақобатдош ва экспортга йўналтирилган замонавий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга янада фаол жалб қилиш, ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт, ижтимоий инфратузилма ва логистика хизматларини жадал ривожлантиришни таъминлаш учун тўғридан-тўғри хорижий инвестиция-

ларни жалб этишни кенгайтиришнинг энг муҳим омилли сифатида эркин иқтисодий зоналарни изчил ривожлантириш борасида янада қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 26 октябрдаги «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПФ-4853-сонли фармони қабул қилинди. Фармонда «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси, «Ангрен» ва «Жиззах» мақсус индустриал зоналари номини бириклаштириш мақсадида уларни «Навоий», «Ангрен» ва «Жиззах» эркин иқтисодий зоналар, деб аташ белгиланди.

Шунингдек, мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш, янгиларини ташкил этиш борасида олиб борилаётган ишлар бунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 26 октябрдаги «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонига мувофиқ ушбу зоналар учун янада қулай шарт-шароитлар яратилди. Бугунги кунда мамлакатимизда 14 та эркин иқтисодий зона фаолият юритмоқда. «Навоий», «Ангрен», «Жиззах», «Ургут», «Ғиждувон», «Қўқон» ва «Ҳазораст» эркин иқтисодий зоналарида умумий қиймати 486 миллион долларга тенг 62 лойиҳа амалга оширилган, 4 минг 600 дан ортиқ иш ўрни яратилган. Фармацевтика соҳасига иxtисослашган «Нукус-фарм», «Зомин-фарм», «Косоний-фарм», «Сирдарё-фарм», «Бойсун-фарм», «Бўстонлик-фарм», «Паркент-фарм» сингари 7 янги эркин иқтисодий зонани ривожлантириш бўйича изчил ишлар олиб боришмоқда.

Бугунги кунгача ушбу зоналарда умумий қиймати 535 миллиард сўмга тенг 1021 лойиҳа амалга оширилган, 9 минг 600 дан зиёд иш ўрни яратилган. Лойиҳалар доирасида нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам хариддориги бўлган энгил саноат, кимё, озиқ-овқат маҳсулотлари, электр техникаси буюмлари, замо-

навий қурилиш материаллари, мебель ва бошқа тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Бундан ташқари, 248 лойиҳани амалга ошириш натижасида 11 минг янги иш ўрни яратиш режалаштирилмоқда. Кейинги йилларда мамлакатимизда эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ағуждга келтириш, жумладан уларнинг фаолиятини тартибга солуви мустақкам норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш, эркин иқтисодий ва саноат зоналарини ривожлантиришга хоржий ҳамда маҳаллий инвестицияларни жалб этиш имконини берадиган солиқ, бошхона имтиёзлари ва энгилликларнинг кенг тизимини яратиш борасида аниқ мақсадаг айналтирилган кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган эркин иқтисодий зоналар юқори технологияли янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, ҳудудларда замонавий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, тўғридан-тўғри хоржий инвестицияларни жалб этишни кенгайтиришга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Жаҳон стандартларига мос, ташқи бозорларда рақобатбардос ва хариддориги мақсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, замонавий, илгор ва юқори унумли технологияларни ташкил этиш ва жорий қилиш учун хоржий инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратилмоқда.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи муҳим йўналишида фаолият кўрсатаётган эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналари самарадорлигини ошириш, янгиларини ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда қулай инвестиция муҳити шакллантирилди, хоржий инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қонун йўли билан кенг қўлагдаги имтиёзлар, афзаллик ва кафолатлар тизими белгиланди. Ҳозирги кунда мамлакатимизда 90 дан ортиқ давлатларнинг хоржий инвесторлари иштирокида ташкил этилган 5 мингдан ортиқ кор-

хоналар муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.

Шунингдек, эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари экспорт импорти қилинадиган товарлар учун ўзларига қулай бўлган тўлаш ҳақи соб-китоб қилиш шартлари ва шаклларида фойдаланиш ҳуқуқига эриша бўлади. Ушбу берилаётган имтиёз ҳамда қулайликлар маҳаллий ҳам хоржий инвесторлар томонидан иқтисодиётга тўғридан-тўғри инвестициялар киритилишига бўлган иттиққини оширади. Мамлакатимиз фаолият кўрсатаётган эркин иқтисодий зоналар фаолиятини янада такомиллаштириш ва уларга хоржий инвестициялар жалб қилишни рағбатлантириш мақсадида қуйидаги таклифларни келтириш мумкин:

Хоржий инвестицияларни тўғридан тўғри сўсун бевосита капитал маблағ қўришидаги инвестициялар мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этишда ҳуқуқий, ижтимоий ва маънавий муҳитни янада такомиллаштириш зарур.

Ўзбекистонга жаҳон талаблари жавоб берадиган, рақобатбардос маҳсулотларни ишлаб чиқариш, жалб этиладиган технологиялар олиб келувчи хоржий инвесторларга нисбатан очиқ эшиклар сибсати ўтказишни янада жадаллаштириш зарур.

Эркин иқтисодий зоналарда: эркин инвестициялар иштирокидаги корхоналарга имтиёзларнинг рағбатлантирувчанлик таъсирини оширишда, биринчи навбатда, мамлакатда илмий-техник тараққиётни жадаллаштиришга ва уни ишлаб чиқаришга жорий этишга, жаҳон бозорида рақобатбардос ҳамда кенг халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш ривожлантиришга йўналтирилиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, республикада худудларда эркин иқтисодий зоналарнинг ташкил этилиши мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш ва унинг самарадорлигини оширишда катта имкон беради. Уларга кўп миқдорда хоржий инвестициялар ва замонавий технологияларнинг кириб келиши мамлакат иқтисодий фаровонлиги ражасининг юқори ва барқарорлигини таъминлайди.